# "Urganch yog'-moy" AJ акциядорлари диққатига!

Ҳурматли акциядорлар, "Urganch yog'-moy" AJ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 04.06.2016 й. соат 10:00 да, Урганч ш., И.Дўсов кўчаси, 2 уйда ўтказилиши тўғрисида хабардор қиламиз.

**Кун тартиби:**

I. «Urganch yog'-moy» АЖнинг 2015 йилдаги фаолияти якуни ҳамда молия-хўжалик фаолияти юзасидан ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
II. «Urganch yog'-moy» АЖнинг 2015 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг ҳисоботини эшитиш.
III. «Urganch yog'-moy» АЖнинг 2015 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш.
IV. «Urganch yog'-moy» АЖнинг 2015 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш.
V. Жамиятда ижтимоий тўловлар ва рағбатлантириш фондини ташкил қилиш тўғрисида.
VI. «Urganch yog'-moy» АЖнинг 2015 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
VII. «Urganch yog'-moy» АЖ жойлаштирилган акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
VIII. «Urganch yog'-moy» АЖ кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш.
IX. «Urganch yog'-moy» АЖнинг 2016 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
X. «Urganch yog'-moy» АЖ 2020 йилгача бўлган муддатдга ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш.
XI. «Urganch yog'-moy» АЖ бошқарув ва ишчи органлари аъзоларига (кузатув кенгаши, ижроия органи, тафтиш комиссияси, ички аудит, саноқ комиссияси аъзолари) ва корпоратив маслаҳатчига ҳақ тўлаш, уларнинг вазифаларини

бажариш билан боғлиқ харажатларини қоплаш ҳамда бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш.

XII. «Urganch yog'-moy» АЖда аудиторлик текширувини ўтказиш, 2016 йил учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

XIII. «Urganch yog'-moy» АЖ янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

XIV. «Urganch yog'-moy» АЖ ички низомларини ("Urganch yog'-moy" АЖ Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, "Urganch yog'-moy" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, "Urganch yog'-moy" АЖ Ижроия органи тўғрисида”ги, "Urganch yog'-moy" АЖ Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларни янги тахрирда тасдиқлаш.

XV. «Urganch yog'-moy» АЖда “Корпоратив бошқарув кодекси”ни жорий этиш ва унинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш.

XVI. «Urganch yog'-moy» АЖнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.

XVII. «Urganch yog'-moy» АЖ жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

XVIII. «Urganch yog'-moy» АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

XIX. «Urganch yog'-moy» АЖ ижроия органи раҳбарини сайлаш (шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш).

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйҳати жорий йилнинг 31 май ҳолатига тузилади.

Йиғилишда кўриладиган масалалар бўйича акциядорларга тақдим этиладиган материаллар билан танишиш ёки маълумот олиш учун қуйидаги манзил/электрон почта манзили ёки телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин:

Урганч шаҳри, И.Дўсов кўчаси, 2 уй / e-mail: urganchoil@umail.uz

Тел: 0 (362) 224-57-58

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўз шаҳсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.